Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 41 (21. 160) 1992 йил 27 февраль, пайшанба ●

Баҳоси 60 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН •

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қувайт молия вазири Носир Абдулла ар-Радвон бошчилигида Тошкентга ташриф буюрган Қувайт ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Қарийб икки соат давом этган суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти республикамизнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида батафсил гапириб берди.

Молия вазири, деди жумладан И. Каримов, ўз юртидаги жами бойликлар хусусида барча маълумотлардан хабардор бўлиши шарт эканини сизга айтишим нотабиий ҳол бўлади, албатта. Мен ҳам бундан бир неча йил аввал молия вазири эдим, аммо ўшанда бизда қанча миқдорда олтин ёки кумуш ишлаб чиқарилаётгани ҳақида менгина эмас, ҳатто республикамизнинг энг юқори лавозимдаги раҳбарлари ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмасдилар. Чунки ўшанда ҳам, ундан илгарилари ҳам Ўзбекистоннинг тақдири Москванинг қўлида эди.

Биз ўз тарихимизни, адабиётимизни бус-бутунича ўрганиш ҳуқуқидан маҳрум этилгандик. Она тилимиз хўрланганди. Дин, худо ҳақида оғиз очиш шаккокликка йўйиларди. Биз бошқаларга ичичимиздан ҳавас қилиб, хўрсиниб яшардик ва мустақилликни орзу қилардик. Ниҳоят, ўтган йили халқимизнинг азалий истаги амалга ошди!

Демократия томон дадил қадам ташлаяпмиз. Кўппартиялиликка йўл очилди. Шу билан бирга иқтисодиётни мафкура таъсиридан халос этяпмиз. Республикада ишбилармонликка катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида дин ва виждон эркинлиги хусусида Қонун қабул қилинди.

Бизни Ер юзидаги 101 давлат тан олди. Шу йил 15 мартгача Вашингтонда Ўзбекистон, Тошкентда эса АҚШ элчихоналари очилиши мўлжалланган. Туркия, Саудия Арабистонида ҳам шу яқин вақт мобайнида элчихоналаримиз фаолият кўрсата бошлайди. Аммо мустамлакачиликнинг асоратидан қутилиш қанчалар машаққатлилигини сизларга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: бунинг нималигини яхши биласиз.

Ҳали ўз ечимини кутиб турган муаммоларимиз анча. Лекин бизни шу нарса руҳлантирадики, жаҳонда бизга ўзларининг беғараз ёрдам қўлларини узатувчи давлатлар кўп экан. Мен Қувайтни ҳам шулар жумласига киритсам, хато қилмаган бўламан. Бунинг учун сизларга ташаккур билдираман. Аммо шуни ҳам таъкидлайки, ҳисобли дўст айрилмас, деганларидек, вақти келиб биз ҳам қарзимизни узамиз. Бунга қурбимиз етади, чунки бойлигимиз кўп, одамларимизнинг қўли гул, тупроғимиз сахий, ҳатто чўпни суқиб қўйсанг ҳам мева беради.

Биринчи навбатда бизга нефть етказиб берсаларингиз. Кейин айрим чет эл технологияси, масалан, мева-сабзавотни қайта ишлаб консерва тайёрлайдиган корхоналар учун асбоб-ускуналар харид қилишда пул бериб турсанглар. Ана шундай корхоналар тақчиллиги оқибатида етиштирилаётган ҳосилимизнинг 40 фоизи нобуд бўлаётир. Борди-ю, бу масалада келишиб олсак, Ўзбекистон сизларни мева-сабзавот билан таъминлашни ўз зиммасига оларди. Бундан ташқари пахта толаси ҳам етказиб беришимиз мумкин. Яна шуниям таъкидлайки, ўзбек ирригаторлари, чўқуварлари саҳрою даштларни ўзлаштиришда жуда катта тажриба тўплашган. Мутахассисларимиз бир қатор мамлакатлардаги чўл минтақаларида ишлаб, довруғ қозонишган. Иқтисодиётингиз уларнинг хизмати, маслаҳатидан фойдаланинглар.

Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги икки томонлама алоқалар тез фурсат ичида ривож топади, деб ўйлайман.

Носир Абдулла ар-Радвон, аввало, Қувайт амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг Ислом Каримовга ва у орқали бутун ўзбек халқига дўстона салом йўллаганини айтди ва Президентга амир ҳазратларининг мактубини, совғаларини топширди.

Бизнинг халқимиз ҳам, деди Қувайт вазири, Ироқ босқинчилари тажовузи сабаб бошидан кўп азобларни кечирди. Оллоҳга минг қатла шукурки, эндиликда ўзимизни ўнглаб олдик. Ўзбекистон ҳам бугунги танг вазиятдан қутилиб, дунёдаги ривож топган мамлакатлар қаторидан жой олажаги аниқ.

Делегациямиз сафида турли соҳалар, шу жумладан, молия-кредит бўйича етук мутахассислар бор. Биз республикангизда бир неча кун бўламиз, турли вазириклар, муассасалар ходимлари билан мулоқотлар олиб борамиз ва шу тариқа ўзаро ҳамкорлик йўлларини қидирамиз. Ёрдамга келсак, қўлимиздан келганини аямаймиз. Амиримизнинг фикри ҳам шундай. Ишонамизки, Қувайт билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик барқарор ва мустаҳкам бўлади.

Бизни ҳозир бир муаммо қийнаяпти. Икки минг нафар фуқаромиз ҳанузгача ироқликлар қўлида асирликда сақланмоқда. Жаноб Президент, аминмизки, яқин кунлар ичида Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлади, ана ўшанда у ердан туриб ватандошларимиз тақдирини ҳал қилишда сиз ҳам ҳисса қўшишингизни илтимос қилардик.

Суҳбат ниҳоясида Ислом Каримов олий мартабали меҳмонга эсдалик совғалари топширди ҳамда ундан Қувайт амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳга ўз номидан, ўзбек халқи номидан энг эзгу тилаклару самимий салом етказишни сўради.

Суҳбатда Ўзбекистон томонидан республика молия вазири Э. Ж. Боқибоев, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов, Қувайт томонидан Қувайтнинг Москвадаги элчиси Абдул Муҳсин Юсуф ал-Дуэйж ва бошқалар иштирок этишди.

Носир Абдулла ар-Радвонни шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қабул қилди ва суҳбатлашди. Республика Молия вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда эса молия вазири Э. Ж. Боқибоев ўз ҳамкасбига Ўзбекистонда молиябанк соҳасидаги амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Қувайт давлати ҳақида қисқача маълумот. У Арабистон ярим оролида, Форс кўрфази соҳилида жойлашган. Майдони 17,8 минг квадрат чақирим. Аҳолиси 2,1 миллион киши. Пойтахти ал-Қувайт. Ер юзидаги нефтга энг бой ҳисобланмиш бу мамлакатни 1899 йилда Буюк Британия ўз қўлига олганди. 1961 йилнинг 19 июнида Қувайт мустақилликка эришди. 1963 йилдан буён БМТ аъзоси.

1990 йилнинг августида Қувайтга Ироқ тажовуз солди. 1991 йилнинг февралида у босқинчилардан озод қилинди.

(Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги).

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ХЕЛЬСИНКИГА КЕЛДИЛАР

ХЕЛЬСИНКИ, 26 февраль. (РАТА—ТАСС . мухбири Владимир Додонов). Финляндия ҳукуматининг таклифига биноан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев бу ерга келдилар.

Улар МДҲга аъзо бўлган бошқа бир қанча давлатларнинг бошлиқлари билан бирга бугун «Финландия» саройида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи актини тантанали имзолаш маросимида қатнашадилар. Уларнинг шу маросимда ҳозир бўлиши мазкур давлатларнинг Умумевропа жараёни тўла ҳуқуқли қатнашчилари сафига кирганликларини билдиради.

Ташриф дастурида Ислом Каримов ва Раҳмон Набиевнинг Президент Мауно Койвисто билан учрашувлари, Финляндия парламентини бориб кўриш ва ҳужжатни имзолаш маросимига келган давлат бошлиқларининг биргаликда журналистлар билан ўтказадиган суҳбатида қатнашиш режалаштирилган.

— Бу ерга келишимиздан кузатилган асосий мақсад Ўзбекистон билан Тожикистоннинг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ишида фаол қатнашувига асос солишдан иборат, — деди Ислом Каримов Хельсинкига келганидан кейин. Аэропортда журналистлар билан учрашувда у Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи актига асос қилиб олинган давлатлараро алоқаларнинг барча 10 та қоидаси, шунингдек, кейинроқ имзоланган янги Европа учун Париж хартиясининг қоидалари Европадагина эмас, бутун дунёда ҳам хавфсизликка бевосита таллуқлидир, деди. Шу нуқтаи назардан бизнинг мазкур қоидаларга қўшилишимиз мутлақо табиийдир, чунки мазкур қоидалар асосидагина бутун дунёда тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мумкин. Ҳозир мамлакатларимизнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиши ва Европада янги жамиятни барпо этиш учун мана шу ҳамкорлик зарур шарт бўлиб турибди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев ўз мамлакати яқиндагина мустақилликка эришганини ва эндигина янги демократик жамиятни ҳамда бозор иқтисодиётини вужудга келтириш йўлига кираётганини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан биз бу йўлдаги дастлабки қадамларимиз дадил бўлмоғи учун бошқа мамлакатларнинг, шу жумладан, Финляндиянинг ҳам тажрибасини синчиклаб ўрганишни хоҳлаймиз, деб таъкидлади Раҳмон Набиев.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов 26 февраль куни Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг вице-президенти Франс Андриессен бошчигидаги шу комиссия делегациясини қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида унинг қатнашчилари Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳот қандай ривожланаётганлиги ҳақида фикрлашиб олдилар, Ўзбекистон билан Европа ҳамжамиятлари комиссияси ўртасида бундан буёнги муносабатларнинг истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ҳукумати билан Европа ҳамжамиятлари комиссияси ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш имкониятлари кўриб чиқилди. Ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва кенгайтириш учун республикага қарз берилиши, одамийлик ёрдами кўрсатилиши билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Ражабов қатнашди.

(ЎзА).

ФИНЛЯНДИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

ХЕЛЬСИНКИ, 26 февраль. (РАТА—ТАСС мухбири Войтто Лескинен). Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бир қанча давлатларнинг раҳбарлари — Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич, Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчук Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Якунловчи актни имзолаш тантанали маросимида қатнашиш учун Финляндияга келдилар. Улар бугун куннинг биринчи ярмида Финляндия Президенти Мауно Койвисто билан учрашдилар.

Алоҳида-алоҳида ўтган шу учрашувларнинг якунлари юзасидан журналистлар билан бўлган суҳбатда Президент Маҳкамасининг бошлиғи Яакко Клемоланинг маълум қилишича, Молдова Президенти Мирча Снегур билан кеча бўлган учрашув каби бугунги учрашувлар вақтида Финляндия Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Финляндияга келган давлат бошлиқлари Президент Койвистога ўз мамлакатларига ташриф буюриш ҳақидаги таклифномаларни топширдилар. Бу таклифномаларни Президент мамнуният билан қабул этиб, ташрифларнинг аниқ муддатлари ҳақида кейинроқ келишиб олиш мумкинлигини таъкидлади.

Учрашувлар вақтида давлатларнинг бошлиқлари ўз мамлакатларининг Финляндия билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг қоидаларига мувофиқ Европа ва халқаро ҳамкорликда қатнашишга интилаётганликларини уқтириб ўтдилар.

Давлатларнинг раҳбарлари учрашувлар чоғида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммолари ҳақида ҳам гапирдилар, бу муаммоларнинг муҳим аҳамиятини ҳамда барча минтақалар учун умумий бўлган табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва фаол тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

ЯКУНЛОВЧИ АКТ ИМЗОЛАНДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 26 февраль. (РАТА — ТАСС мухбири Александр Суриков). Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи акти остига бугун яна бешта янги имзо қўйилди. Бу ҳужжатнинг матни 1975 йилдан буён Финландия ҳукуматида сақланмоқда. Мазкур тарихий ҳужжатни Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг олий давлат раҳбарлари имзоладилар.

Маълумки, Умумевропа жараёнида қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг яқинда Прагада бўлиб ўтган учрашувида собиқ СССР таркибига кирган ва эндиликда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини ташкил этган 10 та давлат Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш аъзолари сафига расмий равишда қабул қилинган эди.

Ҳаммаси бўлиб Умумевропа жараёни ҳозир Европа, Шимолий Америка ва Осиёнинг 48 та давлатини бирлаштириб турибди.

Турли сабабларга кўра, МДҲдаги давлатларнинг айрим президентлари ҳужжатни имзолаш маросимида қатнашиш учун бугун Хельсинкига кела олмадилар. Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон раҳбарлари Хельсинки ҳужжатини кейинроқ имзолайдилар.

«Финландия» саройида ўтказилган тантанали маросимда Финландия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто қатнашди, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатларнинг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар. 17 йил муқаддам Якунловчи актни Европа мамлакатларининг, шунингдек, АҚШ ва Канаданинг раҳбарлари айни шу саройда имзолаган эдилар.

КОМИССИЯНИНГ ЙИҒИЛИШИ

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов фармойиши билан тузилган хорижий мамлакатлардан юборилаётган беғараз ёрдамни қабул қилиб олиш ва тарқатиш комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни шу комиссия раиси, республика Бош вазири А. Муталов олиб борди.

Йиғилишда Туркия Бош вазири С. Демирэл Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистонга 100 миллион доллари одамийлик ёрдами кўрсатиш ва кўп миқдорда қарз бериш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекканлиги айтилди. Юбориладиган маҳсулотлар асосан дон, озиқ-овқат, дори-дармон, болалар кийими ва пойабзалларидан иборат бўлади. Юклар икки навбатда олиб келинади. Дастлабки маҳсулотлар 15 мартгача қабул қилиб олиниши керак. Шу мақсадда Тошкентдан Анқарага ҳозирдаёқ «ИЛ — 76» тайёраси учиб кетди.

Туркиялик биродарларимиз ёрдамини ўз вақтида ташиб олиш, сақлаш ва эгаларига етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Унга республика Бош вазири ўринбосари К. Ж. Ҳаққулов бошчилик қилади.

Шу куни ишчи гуруҳининг дастлабки йиғилиши ўтказилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ П. М. АБДУРАҲМОНОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Пўлат Мажидович Абдураҳмонов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 26 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Ҳ. Э. БЕРДИЕВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Ҳаким Эшбоевич Бердиев Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 26 февраль.

ЭЛЧИ ТАЙИНЛАНДИ

Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги мухтор элчиси этиб Волкан Жотур тайинланди. Унинг бу лавозимга тайинланиши ҳақидаги қарор расмий матбуотда эълон қилинди. Волкан Жотур ҳозиргача Ташқи ишлар вазирлигининг ҳужжатлар маҳкамасига бошчилик қилар эди.

Айни шу қарор билан Бишкекда мухтор элчиликка Метин Гўкэр, Ашхабодда мухтор элчиликка Селжук Инжесу, Душанбеда мухтор элчиликка Ўрхон Эрдиванли ва Олмаотада мухтор элчиликка Аргун Ўзпай тайинланди.

(ЎзА — АНАДОЛИ агентлиги).

• *Партия ахбороти*

ҚАРОР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА

ХДП Наманган вилоят кенгашининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурилтойи қарорлари бажарилишининг бориши ва партия қуйи бўғинларини ташкилий жиҳатдан шакллантириш ҳамда вилоят партия ташкилотининг жорий йилдаги бюджети тўғрисидаги масала юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Б. А. Аҳадов маъруза қилди.

Нотиқ ХДП вилоят кенгаши қийин шароитда иш олиб бораётганини таъкидлади. Кейинги пайтларда Наманганда содир бўлган воқеалар янги партия фаолиятига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Лекин шунга қарамай вилоят партия кенгаши омма орасига янада чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қиляпти. Янгиқўрғон, Чортоқ, Уйчи район кенгашларининг шу йўналишдаги фаолияти диққатга сазовордир. Партия бўғинлари ишчан, ташаббускор кадрлар билан мустаҳкамлангани ўз самарасини бермоқда. Бироқ ҳамма жойда ҳам иш мана шундай ташкил этилмаган. Косонсой ва Совет районларида партия қуйи ташкилотлари фаолияти унчалик сезилмаяпти. Кўп ҳолларда улар ўз позицияларини бой бериб ҳам қўймоқдалар.

Пленумда умумхалқ байрами — Наврўзга пухта тайёргарлик кўриш ва хайрли тадбирларни амалга оширишда партия аъзоларининг кенг иштирокини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек ХДП вилоят кенгашининг тўрт ойлик фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Музокарада сўзга чиққан нотиқлар ўзларининг аниқ таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шу билан бирга вилоят партия ташкилотининг жорий йилдаги бюджети ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот, тарғибот ва ахборот бўлимининг мудири А. Жалолов иштирок этди.

Пленумда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев нутқ сўзлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Поклик имондандир

26 ФЕВРАЛЬ КУНИ ТОШКЕНТДА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ 5-ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛДИ

Мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон Республикаси инсон кўнгилдаги барча эзгу ниятларни рўёбга чиқаришни ўзининг олий мақсади деб билмоқда. Жумҳуриятимизни юздан кўпроқ давлат тан олди. Улар биз билан ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини айтишмоқда. Минтақа мусулмонларининг улкан анжуманн ана шундай хайрли кунларда иш бошлади.

Қалблари иймон-эътиқод, ўз ватанига, халқига садоқат туйғулари билан тўлган мўмин-мусулмонлар эрта тонгданоқ республикамиз пойтахтидаги санъат саройи томон кела бошладилар. Улар орасида қардош, қўшни республикалар, Туркия, Саудия Арабистони, Ливия ва бошқа хорижий давлатларнинг вакиллари бор.

Қурултой Қуръон тиловати билан бошланди. Шундан кейин Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Сўнгра қурултой қатнашчилари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси этиб сайланди.

Қурултой 27 февраль куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

• Тошкент вилояти партия кенгаши пленумидан

ДАСТЛАБКИ ТАҲЛИЛ ВА САБОҚЛАР

● Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Анжуманга бўлган вақтда эса вилоят партия кенгаши аъзоларига тарқатилган анкета саволлари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза, истак-талаблар атрофлича ўрганилди. «Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойи қарорларининг бажарилиши ва Тошкент вилоят партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Э. РУЗИЕВ парламент партияси фаолиятини таҳлил этди.

— Ҳозир олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири республика ҳукуматининг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун иқтисодий таг-замин яратиш мақсадида ишлаб чиққан тадбирлари ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилганлигини ҳар бир меҳнаткаш онгига етказишдан иборатдир, — деди у. — Бунинг учун тинчлик, осойишталикни таъминлашга эришиш катта аҳамиятга эга. Зотан, бир донишманд айтганидек, «Энг катта хавф — тартиб-интизомнинг бузилиши, энг катта вазифа эса тартиб-интизомни сақлашда»дир.

Нотиқ ўз маърузасида жамият ҳаёти учун янгиликка интилиш, ташаббускорлик, ижодий изланиш омиллари нақадар зарур эканлигига тўхталиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитаси вилоят партия кенгашининг Наврўз умумхалқ байрамини намунали ўтказиш юзасидан ташаббусини маъқуллаганини эслатиб ўтди. Бу хайрли тадбирни ўтказишда ҳар бир партия аъзосининг маълум улуши қўшилиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Ҳозирча вилоят бўйича 1059 бошланғич ташкилот тузилиб, партия аъзолари сони 32 минг нафардан ошди. Фақат январь ойидагина 647 нафар киши партия сафига киргани ёмон натижа эмас. Бу борада Бўстонлиқ, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Тошкент районлари, Бекобод ва Олмалиқ шаҳар партия ташкилотлари фаоллик кўрсатишди. Кўпгина шаҳар, район тизимларининг ҳар бирида ўндан зиёд бошланғич ҳудудий партия ташкилотлари тузилди. Энди бу тадбирни шаҳар, район доирасида амалга ошириш зарур эди. Чунки келгуси авлод таълим-тарбиячилари бўлган кўп сонли зиёлилар — ўқитувчилар ижтимоий-сиёсий турмушга яқиндан жалб этилмаганди. Бу ишга биринчи бўлиб киришган Ангрен шаҳри ва Бўстонлиқ районида ўқитувчиларнинг бошланғич ҳудудий партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Шундай ташкилий ишлар бошқа шаҳар, район партия кенгашлари томонидан давом эттирилмаётгани ачинарлидир.

Маъруза ва нотиқларнинг чиқишларида халқ депутатлари шаҳар, район Кенгашларида ишлаётган Ўзбекистон ХДП аъзоларининг жойларда партиямиз ғояларини оммага тушунтириш, унинг сиёсатини амалга оширишдан ўзларини четга олаётганликлари фактига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Кенгашлар қошида тузилган ноиблар гуруҳлари ҳали биронта оғизга тушадиган иш қилганларича йўқ. Қишлоқ Кенгашлари қошида эса бундай гуруҳлар ҳанузгача ташкил этилмади. Бу шаҳар ва

Бундай кўмак ҳозирги танг шароитда айниқса, асқотиши турган гап. Мазкур районда Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини тушунтиришга мўлжалланган ахборот марказини ташкил қилишга киришилгани ҳам ибратлидир. Бу тадбир кўнглида янгича ишлаш, республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш истаги билан яшаётган фаоллар, фахрийлар ва ёшлар кучайратини бир жойга марказлаштирган бўлур эди.

Маълумки, пойтахтда вилоятнинг ўзга яқин бошқарув ташкилоти мавжуд. Президент Фармонига кўра уларда бошланғич ташкилотлар тузиш мумкин эмас. Худди ана шу жойларда ишлаётганлар орасида эса партия аъзолари кўп. Хўш, уларнинг партия таъсиридан четда қолмаслиги учун нима қилиш керак? Бу савол узоқ жавобсиз қолмади. Вилоят партия кенгаши қошида бирлашган партия ташкилоти тузилди. Энди бу тадбирни шаҳар, район доирасида амалга ошириш зарур эди. Чунки келгуси авлод таълим-тарбиячилари бўлган кўп сонли зиёлилар — ўқитувчилар ижтимоий-сиёсий турмушга яқиндан жалб этилмаганди. Бу ишга биринчи бўлиб киришган Ангрен шаҳри ва Бўстонлиқ районида ўқитувчиларнинг бошланғич ҳудудий партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Шундай ташкилий ишлар бошқа шаҳар, район партия кенгашлари томонидан давом эттирилмаётгани ачинарлидир.

Пленум жараёнида вилоят партия кенгашининг ташкилий даврдаги фаолияти кўз ўнгимиздан ўтади. У 1992 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқди. У энди муҳокамадан ўтди. Келгусида ҳаракатнинг асосий йўналишлари бўйича қатор ишларга қўл урилиши аниқ. У ўз фаолиятини демократик принциплар асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, айтайлик, ҳар бир партия ташкилоти мустақиллиги таъминланмоқда. Уларга тазъйиқ кўрсатилмаяпти. Кенгашнинг ижроия бюролари жойларда ўтказилмоқда, муаммолар маълум қадар ўша ернинг ўзида ҳал қилинишига эришилаётир. Бироқ, вилоят партия кенгаши ҳар қандай юқори ташкилотнинг таянч нуқтаси ҳисобланган бошланғич бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш ишига вақт тополмаяпти. Шу боисдан Президент фармонлари, партия қарорларини амалга оширишда сусткашлик, ботинмаслик, масъулиятни тўла ҳис қилмаслик, ташаббуссизлик каби иллатлар сезилиб қоляпти. Пленум олдидан партия фаоллари фикрини ўрганиш жараёнида Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби **П. Мирзаалиев** шундай деди:

— Раҳбар партия кенгашларининг қуйи ташкилотлар аъзолари билан муло-

районда партия обрўсини тиклаш ишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Пленум жараёнида вилоят партия кенгашининг ташкилий даврдаги фаолияти кўз ўнгимиздан ўтади. У 1992 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқди. У энди муҳокамадан ўтди. Келгусида ҳаракатнинг асосий йўналишлари бўйича қатор ишларга қўл урилиши аниқ. У ўз фаолиятини демократик принциплар асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, айтайлик, ҳар бир партия ташкилоти мустақиллиги таъминланмоқда. Уларга тазъйиқ кўрсатилмаяпти. Кенгашнинг ижроия бюролари жойларда ўтказилмоқда, муаммолар маълум қадар ўша ернинг ўзида ҳал қилинишига эришилаётир. Бироқ, вилоят партия кенгаши ҳар қандай юқори ташкилотнинг таянч нуқтаси ҳисобланган бошланғич бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш ишига вақт тополмаяпти. Шу боисдан Президент фармонлари, партия қарорларини амалга оширишда сусткашлик, ботинмаслик, масъулиятни тўла ҳис қилмаслик, ташаббуссизлик каби иллатлар сезилиб қоляпти. Пленум олдидан партия фаоллари фикрини ўрганиш жараёнида Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби **П. Мирзаалиев** шундай деди:

— Раҳбар партия кенгашларининг қуйи ташкилотлар аъзолари билан муло-

лозимки, аксарият шаҳар ва район партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар фаолияти билан чинакамига шуғулланмаяптилар ёки қуйи бўғинларга қандай ёрдам бериш йўлларини тушуниб етмаяптилар. Бунинг оқибатида бошланғич ташкилотлар котиблари қай йўсинда иш олиб бориш, қай соҳада кўпроқ бош қотириш, ҳозирги танг вазиятда нималарга биринчи галда эътибор беришни билолмаяптилар. Шу мақсадларга қаратилган методик-қўлланмалар йўқлиги ҳам ишнинг белига тепмоқда. Бизнинг назаримизда қуйи бўғинга котиб сайланаётганда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка қараб эмас, номзоднинг жамоа ўртасидаги ҳурмати, мавқеига эътибор бериш лозим. Масалан, маҳалла қўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган тўй-маросимларга масъул комиссия аъзоларини олиб кўрайлик. Уларнинг биргина ишораси билан бутун бошли маросим бошқариб борилади. Чунки ўша фаоллар халқ орасида кўп бўлган, улар дардига, қувончига шерик, савобли ишлар кетидан қувган, ўзидан кўра кўпроқ бошқаларни ўйлайдиган кишилардир.

Бажарилган ишлар ва навбатдаги вазифалар кўламини таҳлил қилишда иштирок этганларнинг аксарияти юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда турли қизиқарли мулоҳазаларни ҳам ўртага ташладилар. Чунончи, Чиноз район партия

нидил қўллаб-қувватланишига шубҳа йўқ. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш

кенгашининг биринчи котиби **Т. Ботиров**нинг шу ҳудуддаги партия аъзоларининг тажрибаси ҳақидаги фикрини келтирамиз:

— Ҳудудимиздаги саккиз жамоанинг ҳаммасида хўжалик ҳисобот-сайлов йиғилиши олдидан бошқарув раислари бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида ҳисоб бердилар, — деди у. — Бундан кўзланган мақсад партия аъзоси бўлган хўжалик раҳбари фаолиятига партиявий баҳо бериш, шу лавозимга лойиқ номзодни белгилаш ва уни тавсия этишдан иборат эди. Шунингдек, халқ ноиблари бўлган ҳар бир ХДП аъзосининг ҳам ҳисоботини партия йиғилишларида эшитиб бориш режамиз бор.

Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ район кенгашининг биринчи котиби **Р. Маҳаматов**нинг фикрича, ноиблар гуруҳи билан ишлашнинг аниқ йўл-йўриқлари мавжуд эмас. Методик қўлланмалар бўлиши, амалий ёрдам кўрсатилишига эришиш керак. Калинин район партия кенгаши иккинчи котиби **Т. Файзиев**нинг таъкидлашича, бошқа сиёсий партия, ҳаракатлар билан жипсликда иш олиб борилмаяпти, ёшлар, фахрийлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамламасдан туриб олға силжиб бўлмайди.

Пленумда Янгийўл шаҳар партия кенгаши биринчи котиби **М. Исмоилова**, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби **О. Соипов**, Бўка район хотин-қизлар кенгаши раиси **М. Абдуллаева** ва бошқа нотиқлар вилоят ҳаракат дастури лойиҳасига қўшимча, ўзгартишлар киритиб, ишларни яхшилаш юзасидан фойдали фикрларни айтдилар.

Пленум қатнашчилари қилинган ишларни ишчанлик билан таҳлил этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб олишнинг зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар. Фақат уюшган ҳолда баҳамжиҳат ва етти ўйлаб бир кесилган, қатъий интизомга риоя қилинган тақдирдагина турли муаммолар ечимларига йўл топиш мумкинлиги таъкидланди. Пленумда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Жорий йилга мўлжалланган бюджет тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби **А. Носиров** қатнашди. Шунингдек, анжуманда Тошкент вилояти ҳокими **С. Сайдалиев** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг фаолияти тобора кучайиб бормоқда. У кундан-кунга омма орасига чуқурроқ кириб боришга, одамлар ишончини қозонишга эришяпти. Бу ўринда партия қуйи ташкилотларининг аҳоли истиқомат жойларида, маҳаллаларда ўз фаолиятини кенгайтириб бораётгани муҳим омил бўлаётир.

ХДП Норин район кенгашига 2339 нафар партия аъзоси бирлашган. Улар қайси соҳада меҳнат қилаётганидан қатъи назар, меҳнат жамоалари билан бирга ўзлари яшаётган маҳалла ва қишлоқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Бошқача айтганда корхона, ташкилот ва хўжаликлардан яшаш жойларига — аҳоли ўртасига ҳам кириб боришяпти.

— Бир фарзандга етти маҳалла оталиқ қилади, деган гап бежиз айтилмаган, — дейди Норин район партия кенгашининг котиби Акромжон Узоқов. — Илгарилари ёшлар тарбияси, ахлоқ-одоб масалаларида маҳалланинг роли катта бўлган. Кейинчалик биз буни унутиб қўйдик. Ҳар хил йиғилишлардан турли маданий-маиший тадбирларгача, ҳаммаси мажбуран меҳнат жамоаларига тиқиштирилди. Ҳолбуки, ишчи ўз корхонасида йиғилишда ўтириб маъруза эшитишга ёки кўнгилхушлик қилишга эмас, 8 соат иш вақтида меҳнат қилгани боради. Қолаверса, тарбиявий-сиёсий ишлар ва турли тадбирлар яшаш жойларида ўтказилса кўп-роқ наф келтиради. Шу боис омма орасида тарбиявий, ташкилий-сиёсий ишларни олиб бориш мақсадида аҳоли яшаш жойларида ҳудудий партия ташкилотлари тузилди. Бу ташкилотларга ўша маҳаллада яшаётган ХДП аъзолари бирлашган. Улар маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда жамоатчилик асосида иш олиб борадилар. Масалан, Норин шаҳридаги 14 та маҳаллада ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ташкил этилди. Уларнинг ҳаммасига иш хоналари ажратилган, телефон, стол, стул, шкаф ва бошқа жиҳозлар берилган. Жумладан Навоий номли маҳалла партия ташкилоти маҳалла қўмитаси билан бир бинога жойлашган. Унинг пештоқига эса «Навоий номли маҳалла қўмитаси ва ХДП бошланғич ташкилоти» деган лавҳа ёзиб қўйилибди. Бошланғич партия ташкилоти котиби муовини Турсунбой Маҳкамов партия ташкилоти чиндан ҳам омма орасига кириб бораётганини таъкидлади. Турсунбой ака фақат бошланғич ташкилот котибининг муовини бўлибгина қолмай, шу маҳалла қўмитаси раиси ҳамдир. Унинг таъкидлашича, ХДП бошланғич ташкилоти фаолият кўрсата бошлагандан буён маҳалла қўмитасининг иши ҳам жонланиб қолди. Айни пайтда партия ташкилотининг 24 нафар аъзоси бор. Улар турли соҳаларда — бири раҳбар, бири ишчи, колхозчи, савдо ходими, хуллас ҳар хил жойларда ишлашади. Лекин маҳаллада ҳамма баробар. Тўй ва маъракаларда ҳаммаси бир тану бир жон бўлиб хизмат

маҳалла бошланғич партия ташкилотида бўлганимизда ҳам мана шундай ибратли ишлар амалга оширилаётганлигини билиб олдик. Бир сўз билан айтганда ХДП Норин район кенгаши омма орасига дадил кириб бормоқда. Эндиликда райондаги мавжуд 10 та жамоа хўжалигидаги бошланғич партия ташкилотларини ҳам маҳалла ва қишлоқларга кўчириш чоралари кўрилмоқда. Яъни 10 та партия ташкилоти ўрнига 50 та партия ташкилоти ташкил топади. Шу тариқа ҳаммаси бўлиб районда 110 та бошланғич партия ташкилоти тузиш кўзда тутиляпти.

— Партия ташкилотлари сони ортиши уларнинг ишини мувофиқлаштиришда албатта район кенгашига анча қийинчилик туғдиради. Бу қийинчиликларни қандай ҳал этмоқчисизлар, — сўраймиз Акромжон акадан.

— Тўғри, бу ишлар билан ўзимизга қўшимча ташвиш орттирамиз. Илгаригига нисбатан эндиликда 2—3 ҳисса кўп партия ташкилотлари билан ишлаш лозим бўлади. Район партия кенгашида эса оз одам ишлайди. Биз буларнинг ҳаммасини олдиндан билардик. Лекин бундан бошқа чора йўқ, деган қарорга келдик. Негаки энди чинакамига ишлайдиган пайт келди. Бундай ташвишлардан қўрқсак, ўзимизнинг тинчимизни ўйласак партиямизни обрўсизлантириб қўямиз. Шунча расмиятчиликлар ҳам етар энди. Чинакам меҳнат, кураш билангина одамлар ишончини қозонишимиз лозим.

Ҳақиқатан ҳам Акромжон аканинг гапида жон бор. Эндиликда чинакамига ишлайдиган давр келди. Фақат изчиллик, тадбиркорлик, собитқадамлик билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

УРГАНЧ. («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). Сўнгги йилларда Хоразм воҳасининг экологик муҳити кескин ўзгариб кетганлиги, Орол денгизи тобора саёзлашиб бораётганлиги бу ерда турли касалликларга чалинган беморлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Экологик табиий муҳит бузилаётган, бунинг устига ижтимоиятда юз берган кескин ўзгариш ва аёвсиз бозор иқтисодиёти шароити аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашни тақозо қилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу ерда вилоят юрак ва қон-томир касалликлари диспансери қуриб фойдаланишга топширилганлиги Хоразм ижтимоий ҳаётида жуда катта воқеадир.

Икки қаватли янги даволаш маскани атрофи мевазор боғлар билан қуршаб олинган ва районлараро канал ёқасида қад ростлади. У замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, 200 ўринли шифохонада беморлар ётиб даволанадиган учта, шунингдек, реанимация, поликлиника, ташхис қўйиш ҳамда физиотерапия бўлимлари мавжуд. Бўлимларга юрак-қон томир касалликларини аниқлайдиган тўртта компьютер системаси, ультратовуш, лазер нурлари, электр ҳамда ёруғлик нурлари билан даволайдиган аппаратлар ўрнатилган.

Шифохонамизда беморларга 140 дан ортиқ тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади, — деди маросимда сўз олган диспансер бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Б. Йўлдошев. — Уларнинг уч нафари фан номзоди, 15 нафари олий маълумотли, юксак категорияли врач, қирқ нафарга яқини ўрта махсус тиббиёт ходимлари. Ҳамшираларнинг асосий кўпчилиги ўрта ва махсус билим юртларида таълим олган малакали ёшлардир. Биз қувончли кунларда шифохонамизни бунёд қилган вилоят агросаноат уюшмасига қарашли 294-махсус механизациялашган кўчма колонна бинокорларига ҳамда ғўзад миллий безакларни амалга оширган Тошкентдаги «Ўзбекмаскани» номли ишлаб чиқариш коммерция компанияси рассомларига самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз. Яқин келажакда диспансерда беморларга малакали хизмат кўрсатадиган ходимлар сони яна камида 85—100 нафарга кўпайтирилади. Биз беморларга хизмат кўрсатишни биринчи кунданоқ намунали йўлга қўямиз.

Шифохона очилишига бағишланган тантанали маросимда Хоразм вилояти ҳокими ўртоқ М. Жўманиёзов қатнашди ва табрик нутқи сўзлади.

Э. МАДРАҲИМОВ.



Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги деҳқонлари экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Шу мақсадда 3500 гектар ер яхшилаб текисланди. Техника созланди.

Суратларда: 1. Механизаторлардан Шаҳоат Назаров ва Равшан Хушнев. 2. Далаларда жўяк олинмоқда.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

ЖАМОА АРДОҒИДА

Бозор иқтисодиёти ва нарх-навонинг эркинлашуви муносабати билан ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилот ўз меҳнат жамоасини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кўряпти. Бироқ муаммони ҳал қилиш осон кечгани йўқ.

Эндиликда барқарор фаолият кўрсатаётган корхона ёки ташкилот ҳам маблағ масаласида етти ўлчаб бир кесишга, фойдани тежамкорлик билан сарф-харажат қилишга интиляпти. Хўш, бугунги кунда ким қандай яшамоқда! Бу ҳақда саноат ва транспорт тармоғи вакиллари қуйидагиларни гапириб беришди.

Ҳ. КУПАЙСИНОВ, Қарши нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси бошлиғи:

— Яширишнинг ҳожати йўқ: қайта қуришнинг дастлабки йилларида меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик сиёсатига амал қилинди. Яхши ишлаган ҳам, кунини бекор ўтказган ишчи ҳам бир хил маош олди. Бу албатта, ишлаб чиқаришнинг ривожига кескин таъсир кўрсатди. Энг ёмони, одамларда ўз касбига бўлган қизиқишини сусайтириб юборди. Шу боис, маҳсулотнинг сон ва сифат кўрсаткичи ўзгармасдан қоларди.

Хайрият, жумҳуриятнинг мустақил деб эълон қилиниши, корхоналар ҳақида, тадбиркорлик тўғрисида қонунларнинг кучга кириши туфайли ишлаб чиқаришда оз бўлса-да, силжиш юз берди. Меҳнат аҳли эртанги кунга ишонч билан қарай бошлади.

Бироқ бозор муносабатлари кўпчиликни ташвишга солиб қўйди. Бунинг устига эски хўжалик алоқаларининг узилиши иқтисодий тангликни кучайтирди. Биргина бизнинг бошқармамизни олсак, таъминотчилар илгари келишилган ускуна ва эҳтиёт қисмларнинг ярмини ҳам етказиб беришмади. Бугунга келиб эса, ҳамдўстлик давлатларидан харид қилиниши керак бўлган ускуналарнинг нархи осмонга чиқиб кетди.

Албатта, шундай шароитда ҳам ўз ишчи-хизматчиларимиз аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни унутиб қўйганимиз йўқ. Фақат бу соҳадаги ишлар босқичма-босқич бажариляпти, холос. Ўтган йили апрель ойида бизда ўртача иш ҳақи 444 сўмни ташкил этган бўлса, октябрь ойида бу кўрсаткич 800-1000 сўмга етди. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб эса маошлар яна икки бараварга оширилди. Ҳозир илғор ишчиларимиз 2,5 минг сўм атрофида иш ҳақи олишяпти.

Бошқармада жумҳурият Президентининг ижтимоий соҳага қаратилган фармонларини бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, биз етти нафар уруш қатнашчисига 45 минг сўмлик уй-жой биноларини текинга бердик. Бир соҳада 25 йил ишлаган ишчи-хизматчиларга пенсияга чиқаётганда 5 минг сўм ёрдам пули ажратиш йўлга қўйилди.

Илгари бошқармада ишлаб йигитлик бурчи — армия хизматини ўтаб қайтган ёшларга эса 300 сўм миқдорда ёрдам пули, эндигина турмуш қурган ёш оилаларга 1,5 — 2 минг сўмлик маблағ бериш ҳам одат тусига кириб қолди.

Оталиғимизга олинган ўрта мактаб ва ўсмирлар клубига, болалар уйларига ҳар йили тегишли маблағлар ажратилмоқда. Ишчи-хизматчиларимизнинг мактабда аъло ўқиган 10 нафар фарзандига 50 сўмдан стипендия бериб турилибди.

• ҲАРАКАТДА— БАРАКАТ

Қарши шаҳрида нефтчилар шаҳарчаси бунёд этилди. Икки йил давомида 7 та 110 квартирали уй, ҳар бирида иккитадан оила яшайдиган 25 та коттеж-уйлар қуриб битказилди. 180 га яқин оила янги уйларга кўчиб ўтди. Шаҳарчада 280 ўринли болалар боғчаси, кинотеатр, ҳаммом ва бошқа маиший биноларни ишга туширилди.

Яқинда бошқармада ишлаётган аёллар учун яна бир қулайлик яратдик. Уларга иш ҳақлари сақланган ҳолда ойига икки марта иштиёзли иш куни ташкил этилди. Айрим ишчи аёлларнинг пенсияга чиқишини 2-3 йил муддатга қисқартириш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди.

Т. АКБЕРДИН, жумҳурият гўшт-сут саноати ихтисослашган автотранспорт бирлашмаси бош директори:

— Бизда вилоятлардаги автобазаларни қўшиб ҳисоблаганда қариб 5 минг ишчи-хизматчи ишлайди. Уларни бозор муносабатлари шароитларида ижтимоий ҳимоя қилиш бирлашма маъмуриятининг муҳим вазифаларидан бирига айланган.

Тўғри, илгари ҳам ижтимоий-маиший соҳага эътибор бериларди. Соф фойдадан тушган маблағнинг бир қисми меҳнатчиларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилашга сарфланарди. Бироқ бу ажратмалар корхона жамоаси хоҳиш-иродасига қараб эмас, балки юқори ташкилот кўрсатмасига биноан амалга оширилар эди.

Хўжалик юритишнинг янги усуллари пайдо бўлгач, ўзимиз ишлаб топган фойдани мустақил равишда сарф-харажат қилиш имконини қўлга киритдик. Айтиш керакки, шу билан бирга анчагина масъулият зиммамизга тушди. Энди ҳайдовчидан тортиб, етакчи мутахассисгача пешона тери тўкиб топилган даромадни қай йўсинда тежамкорлик билан сарфлаш ҳақида қайғурадиган бўлди.

Ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, ижтимоий-маиший соҳага маблағ ажратишни кўпайтиряпмиз. Дейлик, ўтган йили ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик маоши 360 сўмни ташкил қилган бўлса, январь ойидан бошлаб бу кўрсаткич икки бараварга оширилди. Бирлашмага қарашли ошхоналарда овқатланиш нархи 3 сўмга камайтирилди. Ўтган йилларда ишчи, хизматчиларнинг уй-жой шароитини яхшилашга эътибор кучайтирилди. Ўз ишчиларимиз учун бир қатор уй-жой ширкатлари билан ҳамкорликда турар жой биноларини қуриш бошлаб юборилди. 1991 йили 8 киши квартира билан таъминланди. Уй-жой биноларини қуриш мақсадида корхона ўз ҳисобидан 1 миллион 250 минг сўмлик маблағ сарфлади. 61 нафар ишчи-хизматчига дала ҳовли участкалари олиб берилди.

Пенсия ёшига етган ҳайдовчиларга иш стажига қараб бир йўла 1000 сўмдан 3000 сўмгача ёрдам пули ажратилди. Ижтимоий ёрдам фондидан ишлаётган аёлларнинг фарзандларига 20 сўмдан нафақа пули тўлаш жорий этилди. Бирлашмада ишлаб нафақага чиққан кишиларга 100 сўм миқдорида ўн учинчи ойлик маоши бериладиган бўлди.

Корхонага тегишли «Саломат» дам олиш зонаси ҳам йил давомида меҳнатчиларимиз ихтиёрида. Бу ердаги боғда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишчиларга арзон нархларда сотиляпти. Жамоа аҳли санаторийларга, пансионатларга, дам олиш масканларига бориб ҳордиқ чиқаришлари учун бепул йўлланмалар бериб турилибди. Хуллас, яхши ишлаган меҳнатчиларимиз доимо ардоқда.

А. БОЛИЕВ ёзиб олди.

ЁШЛАРГА ИЖТИМОИЙ МАДАД—ЗАМОН ТАЛАБИ

Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ёшларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш масалалари диққат марказида бўлди. Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси Марказий Комитетининг биринчи котиби О. С. Арзиматов маъруза қилди.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш осон бўлмаётганлиги, бу эса аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган табақаларидан бири бўлмиш ёшларнинг аҳволига таъсир қилаётганини пленум қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Йигит ва қизлар ҳозирги даврнинг ҳамма чигалликларига қарамай, нормал яшашлари, ўқишлари ва ишлай олишлари, ўзларининг ижодий қобилиятларини тўлатўкис ривожлантира оладиган бўлишлари зарур.

Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси бу йўлда дадил қадамлар қўймоқда. «Ёшларнинг ижтимоий хизмати» деган аниқ мақсадни кўзловчи Дастур ишлаб чиқилди, бу Дастурни амалга оширишга саккиз миллион сўм ажратилди. Республиканинг кўпгина шаҳарларида ва район марказларида меҳнат биржалари, ёш фермерлар ва ишбилармонларга ёрдам берадиган маслаҳат марказлари ишлаб турибди, ногиронларнинг ўзаро ёрдам марказлари, ўсмирларнинг ўюшмалари очилмоқда. Ёшларга аталган махсус жамғармалар вужудга келтирилмоқда. Бу жамғармалар давлат ва қўшма корхоналар, йирик кооперативларнинг молиявий ёрдами асосида ҳосил бўлмоқда.

Бироқ бу иш ҳали суст бораётганлигини пленум қатнашчилари тан олдилар. Ёшларни ишга жойлаштириш муаммосини ҳал эта оладиган кичик корхоналар, хўжалик ҳисобидаги марказлар, кооперативлар тармоқларини фаолроқ барпо этиш зарурлиги таъкидланди. Талабаларга ижтимоий мадад беришга алоҳида эътиборни қаратиш керак, уларга ижтимоий ёрдам махсус республика жамғармасини очишга қарор қилинди. Бутун республикада талабаларнинг уюшмаларини барпо этиб, уларнинг зиммасига ўқувчи ёшларнинг турмушини яхши ташкил этиш ва бўш вақтини кўнгилли ўтказиш ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифасини юклаб қўйиш таклиф этилди.

Пленум ишида республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашдилар.

(ЎзА).

ЯХШИ ИШЛАМАГАННИ КЕЧИРОЛМАЙДИ

Деновнинг Вахшивор гўшасида бир замонлар уста Жума деган фақир зот ўтган. Косиблик, темирчилик, чархчилик ила эл-улуснинг хизматида бўлган, устодан яккаю ягона зурёд қолган. Худо ул кишини ўз раҳматига олган бўлсин. Сўзимиз эса отанинг умид нишони фарзанд ҳақида, унинг ишлари, ўй-кечинмалари хусусида....

Денов тожикча Деҳнав — Янги қишлоқ деганн, Шоввозлар тилида Сурхондарёнинг Техас штати, корчаллонлар шевасида эса Ўзбекистон Бомбейига айланган. Бозорининг донғи етти иқлимга кетган, эртаси кечгача ола-ғовур. Бой пулдорлари ҳам, камбағалбечораси ҳам кўп. Эпчил тижоратчилари истаган ашёнгизни муҳайё қила олади. Бироз маҳзун, бироз мамнун, озроқ хушёр макон. Тўйларида Бахтиёр, Хайрулла деган ҳофизлари, Шерали ака оҳангларида нола қиладурғон, мўйсафидлари «Эсиз, Сўфи Оллоёрлар!» дебон бўзлайдирғон, азалий шону шавкатнинг ҳумори, эътиқоднинг нидоси янглиғ саҳарлари азон садолари янграйдирган маскан Денов...

Абдураҳмон ака шу ажабтовур шаҳарнинг фуқароси. 1950 йилда туғилган. Тўрт фарзанднинг отаси. Мактабда аъло ўқиган. Энг яхши кўрган фани — физика. 1967 йили Тошкент политехника олий билимгоҳининг саноат ва уй-жой қурилиши куллиётига ҳеч кимнинг кўмагисиз, имтиҳонларни «беш»га топшириб, ўқишга кирган ва... икки-уч ойдан сўнг ўқиш ёқмай, ташлаб кетган. Кейин, ҳарбий хизмат. Иллар. Кейин электрда ишлайдиган арра. Қўниқўшнининг ўтини борми, тахтаси ё эшик-роми борми, ишқилиб, нимаики тахлаш, созлаш, қуриш бирлан боғлиқ бўлса — унинг қўли теккан. Бу томони — ҳайдовчилик. Ўн тўрт йил ўтди.

Оилада гулдураган илк момақалдироқ — ўғли Бахтиёрнинг саволи: «Нимага сиз директор эмассиз? Катталарнинг болаларига ҳеч нарса билмаса ҳам ўқитувчи нуқул беш қўйиб беради». 1981 йилдан буён автокорхонага раҳбар. Йўқ, у ўғлининг саволи қаттиқ теккани учун бошлиқ бўлмади, бунга интилгани ҳам йўқ, тақдир қилгани шу экан. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган Денов тижорат ишлаб чиқариш бирлашмасининг 8-автокорхонаси вилоятдагина эмас, олис ўлкаларда ҳам маълум ва машҳур. Корхонада икки юз нафардан ортиқ ҳайдовчи, юздан ортиқ олис манзилларга қатновчи кучли машиналар мавжуд. Корхона ўзини ўзи таъминлаш қувватига эга. Ўтган йилнинг ўзида бир миллион 200 минг сўмлик юк ташилган. Ҳайдовчиларнинг маоши ҳам, даромади ҳам яхши. Бозор иқтисодиёти муносабати билан корхонанинг тижорат йўналишига ўтганига уч-тўрт ой бўлиб қолди. Яна нима керак? Хўш, нима бўпти, бу одам қандай каромат кўрсатибди, дерсиз.

Икки-уч йилдан бери жумҳуриятда ишбилармонлар, деган сўз оғиздан тушмайди. Ишбилармонларнинг халқаро йиғини ҳам ўтказилди, улардан мадад, тажриба алмашишга кўмак ҳам сўралди. Етмиш йиллик ғаддор тузум, ёлғон мафкура исканжасида на фақат маънавият гултожлари, балки етук иқтисодчилар, ишбилармонлару юртга наф келтирувчи улкан тожирларидан, уларни рўёбга чиқариш имкониятларидан ҳам маҳрум қилинди. Энди ўзга шабадалар эсмоқда. Айтмоқчи бўлганимиз Абдураҳмон ака Эминжонов шул шабадаларнинг фарзанди. Уч-тўрт йил ичида ҳароба бир хўжаликни бугунги нозу фироғи кўп иқтисодиётнинг барча талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта ихлос, иштиёқ, энг муҳими ҳафсала керак.

Корхона элнинг мушкулини осон қилмоқда. Бу ерда инсонга эътибор, муомала бор. Шу йилдан бошлаб халқаро қатновлар йўлга қўйилади. Корхонанинг эллик нафар ҳайдовчиси аллақачон хорижий паспортларни олган. Август ойидан Хитойга, сўнгра Турсунзода шаҳридаги қўшма корхона билан шартнома асосида Германиянинг Гамбург шаҳрига юк ташиш бошлаб юборилади. Бу ҳам — ҳар бир шахс, ҳар бир корхона ёки жамоа ўз-ўзига хўжайин бўлсагина юрт мустақиллиги амалда содир бўлажагининг оддий бир далилидир. Абдураҳмон аканинг ўзи жуда қатъиятли одам. Ҳар куни соат бешда уйғонади. Қаҳва ичишни ва яна одамзот феълида қатъият ва интизомни яхши кўради.

— Хонадонми, корхонами барибир, қаер бўлмасин, остонасидан тортиб, ҳожатхонасигача озода, саришта бўлмоғи керак, — дейди у. — Ҳамма нарсанинг ўз нуқтаси бўлади. Жумладан, ишнинг ҳам. Бизнинг ишда шу нуқта — рағбат, яъни одамларга эътибор. Одамзод яхши яшаши керак. Бунинг учун эса яхши ишлаши лозим. Яхши ишламаса, эпчил, удабурро бўлмаса, мен ўз ўғлимни ҳам кечиролмайман... Яна қоровул, фаррош билан ҳам қўл бериб кўришаман. Биз ҳаммамиз бир одаммиз. Яна нотўғри нарсани кўрсам куйиб кетавераман. Яхши раҳбар бўлиш учун яхши ўқиган эмас, яхши фаросатли одам бўлиш керак.

Бу сўзларни исботлаш учун далил шарт эмас. Корхонага кириб атрофга разм солиш кифоя, ҳайдовчилар, қоровулдан тортиб фаррошгача юзларига назар солсангиз билинади. Улар бу ерда ишлаётганларидан мамнун. Умуман улар ўз касб-корларидан ҳам, рағбатдан ҳам рози. Сабаб яна ўша: эътибор. Уч-тўрт йил ичида корхона қошида 12 кишилик меҳмонхона, Сангардак дарасининг сўлим гўшасида ажойиб дам олиш маскани бунёдга келтирилди. Бошлиқ Сочи, Ялта ёки Кисловодск деган жойларга дам олишга борадиган бўлса, ўз ёр-дўстлари эмас, балки энг яхши ишлаган ҳайдовчилари билан боради. Ҳайкаллар ҳам бекадр экан, кун келиб улар олиб ташланиши мумкин экан. Абдураҳмон ака жамоасига бошқа, ўзимизнинг ота-бободан қолган ёдгорлик ўрнатишга аҳд қилди. Дам олиш масканини барпо қилиш жараёнида ўзи ҳам бирга ишлади, бетон қорди, қувур, тош ташиди. Худди шу маскан теварагига икки минг тупдан ёнғоқ ва ўрик кўчати ўтказилди. Беш-олти йилдан кейин бу ерда ажойиб боғ шовуллаб турса, ажабмас. Жамоа фақат юк ташиш ё ҳайдовчилик билан чекланиб қолган эмас. Ҳозир бу ерда машиналарни бўяш, таъмир қилиш ижара цехи ишлаб турибди. «Тўмарис» ғишт қуядиган, бедана кўпайтирадиган кичик корхоналар ташкил этиш сингари хайрли ишлар амалга ошиш арафасида.

Табиий, нуфузли корхонанинг маблағи ҳам кўп бўлади. Маблағлар савобли тадбирларга сарфланса, янада яхши. Корхона ўз ҳисобидан касалхона қурилишига ўн минг сўм, автомобиль назорати биносининг қурилишига етти минг сўм, Денов аҳолиси сайил ўтказадиган ерни ободонлаштириш учун эса беш минг сўм пул ўтказди. Янги қурилган ошхона ҳам кўркам.

Юқорида айтганимиздек, Абдураҳмон ака қурилишга жуда қизиқади. Булғорияда чиқадиган «Наш дом», «Что нам построит дом» сингари мажаллаларнинг тахламлари бор, бўш пайтларда варақлайди.

— Биргина эшикни олайлик. Ота-боболаримиз юксак санъат асари даражасида эшиклар яратишган. Ҳозир ҳам Сангардакда шунақа усталар бор. Улар қўлидан чиққан эшикларга қараб завқинг ортади. Биз эса, «Эски турмуш боғларин қўй, қарға-зоғлар қишласин», деб етмиш йилдан ортиқ ашула айтдик.

Гурунг давомида ҳамсуҳбатингизнинг ҳафсаласига, иштиёқига ҳавасингиз келади. Сизга ҳам бир нимадир юққанини англай бошлайсиз. Унинг ҳузурига келувчилар кўп, илтимос қилувчилар кўп.

— Илтимосчилар кўп экан, эриш туюлмайдими? — деб савол берасиз. Жавоби ўзига хос бўлади:

— Энди... сиз дарахтсиз, кимдир соянгизда ўтириши керакми?..

Абдураҳмон ака ҳақида ҳамма гапни айтиб бўлгандаймизу, аслида айтилмагани бордек туюлади. Бир замонлар шеърлар, ҳикоялар ёзган бу одам, болалигида шерозаси бор украинча қўйлак кийиб, Шарғун кўмир конларига отаси билан томошага борган, осма вагонларни кўриб қаттиқ ҳайратланган бу инсон, айни пайтда, донғи кетган катта бир корхона раҳбарининг, шаҳар Кенгаши ноибининг бир дунё дарди, армони ва яна ташвишлари борки, улар шу юрт, шу элнинг орзу-армонлари ила уйғун турибди. Биз юртимизга ҳам, элимизга ҳам шундай фарзандларининг камолини берсин, деган умидимиз бор. Зотан фарзандлар умиди — эл умиди, эл умиди — фарзандлар умидидир. Ҳикоямиз ниҳоясида Абдураҳмон аканинг, қирқ бир ёшли серташвиш раҳбарнинг яна бир сўзини келтирмоқни жоиз топдик:

— Яхшиям, ўн тўққиз ёшда ўйланган эканман. Тўнғич ўғлим, мана қўлтиғимдан олиб турибди...

Сирожиддин САИДОВ.

• ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ЗАМОНИ

*

Мана қиш ҳам оёқлаб қолди. Кузда мўл озуқа жамғарган чорвадорлар бу фаслда ҳам маҳсулдорликни камайтиришмади. Масалан, Свердлов районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги сут-товар фермаси аъзолари озуқадан унумли фойдаланиб юқори натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили улар эл дастурхонига 398 тонна серқаймоқ маҳсулот етказиб беришганди. Бу йил уларнинг мўлжали янада баланд. Бу борада илғор сигирсоғарлар кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Ҳалима Ҳайитова ана шулардан бири. У бултур 12 бош соғин сигирдан 42 тонна маҳсулот олганди. Айни кунларда у ҳар бир сигирдан кунига 9—10 килограммдан сут соғиб олаяпти. Маҳбуба Қодирова ҳам пешқадамдан ортда қолмасликка ҳаракат қилаётир.

СУРАТЛАРДА: Ҳалима Ҳайитова (чапда) билан Маҳбуба Қодирова.

Ч. ОЛИМОВ олган суратлар.

*

• Тадбиркорлар ҳикоя қиладилар

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА МАДАДИ

Ҳозир нима кўп, «сен айтгандан кўра мен айтган гап маъқул», дегувчилар кўп. Бундай тарзда баҳслашувчиларга жавобим битта: ҳамма нарсани ҳаёт кўрсатади. Иқтисодий танглик шароитида меҳнат жамоаларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли усуллари таклиф қилинмоқда.

Лекин бизнинг шароитда ёрдамчи хўжаликлар ва кичик корхоналар ишчи оилалари иқтисодий аҳволини яхшилашда катта мадад бермоқда. Шу маънода айрим тажрибаларни ўртоқлашиш ниятидаман.

Андижон — жумҳуриятимизда аҳоли зич яшайдиган вилоятлардан бири. Суғориладиган ва экин майдонлари ҳисобли. Бу эса ҳар бир қарич ердан унумли ва самарали фойдаланишни талаб этади. Бизнинг улгуржи савдо базамиз хизмат кўрсатадиган Шаҳрихон, Бўз, Комсомолобод районлари ҳамда Шаҳрихон шаҳрида ҳам аҳоли сони йил сайин ўсиб бормоқда.

Халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун эса мавжуд имкониятларни ишга солиш, иқтисодий тангликдан чиқиш йўлларини қидириб топиш лозим. Бунинг учун ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, самарадорлигини ошириш, тармоқ фаолиятига ишбилармон кишиларни кенгроқ жалб этиш зарур.

1989 йил кузида базамиз ёнидаги қаровсиз аҳволдаги бўш майдончада ойнаванд иссиқхона барпо этдик. Уни ишчи-хизматчиларимиз ҳашар йўли билан қуришди. Иссиқхонага помидор ва бодринг кўчатлари ўтқазиб, дастлабки йилиёқ мўл ҳосил етиштирдик. Етиштирилган маҳсулотни жамоа ходимларига, ортиқчасини эса аҳолига сотдик. Икки йил давомида ойнаванд томорқамиздан 40 минг сўм даромад олдик.

Ўша йили базамиздаги ортиқча хоналардан бирини ҳам бўшатиб, 20 та тикув машинаси ўрнатдик. Тикувчилик цехига 25 нафар хотин-қизни ишга қабул қилдик. Ёш чеварларга малакали чеварларни биркитиб қўйдик. Дастлаб чеварларимиз болалар учун кийимлар тикишни ўзлаштирдилар. Тайёр маҳсулот дўконларга олиб чиқилди. Тез орада маҳсулотлар харидоргир бўлиб кетди. Ютуқлардан руҳланган чеварларимиз янги урф бўлаётган кийим-кечаклар тикишни ўзлаштириб ола бошладилар. Янги цех ўтган йили 150 минг сўм соф фойда келтирди. Олинган фойда базамиз ишчи-хизматчилари меҳнат ҳиссасига қараб тақсимлаб берилди.

Моддий манфаатдорлик ортгач, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш имкониятлари очила борди. Цех бошлиғи, тажрибали мутахассис Қаҳрамонжон Мирзаматов ёрдамчи тармоқни янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Унинг ғайрат ва ташаббусини қўллаб-қувватлаяпмиз. Бу йил тикувчилик цехини янада кенгайтирамиз. Тикув машиналари сонини кўпайтириш билан бирга, 50 га яқин турда кийим-кечаклар тикиб, халқнинг истеъмол молларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиляпмиз.

Тикувчи уста Раъногон Холдорова жамоамиз томонидан билдирилган ишончни оқламоқда. У ишдан бўш вақтларида илғор тикувчилик корхоналарида бўлиб, янгиликларни ўрганиб қайтмоқда ва уларни цех ишига жорий этяпти. Умидахон Маманазарова, Иродахон Нурматова, Маликахон Сулаймонова, Жумагул Исмоилова каби чеварларимиз томонидан тикилган кийим-кечаклар харидорларга манзур бўлаётир.

Тажриба кўрсатадики, изланганга имкон кенг. Ўтган йилнинг баҳорида кўлами кенг, истиқболи порлоқ яна бир ишга қўл урдик. Шаҳрихон районига қарашли бўрдоқичилик базаси иморатлари кўп йиллардан буён бекор турарди. Катта меҳнат ва маблағлар эвазига қурилган бинолар қаровсизликдан ташландиқ ҳолга тушиб қолганди. Мен район раҳбарларини ўша жойга бошлаб бордим. Уларга бу ерда кичик корхона ташкил этиш мақсадида юрганлигимни айтдим, рози бўлишди. Агросаноат банкидан 1 миллион 408 минг сўм қарз кўтариб биноларни сотиб олдик.

Жамоамиз ишчи-хизматчилари баҳорданоқ ишга астойдил киришиб кетдилар. 250 нафарлик ҳашарчилар гуруҳи қаровсиз биноларни таъмирладилар, оқлаб бўядилар. 14 гектарлик майдон атрофига 5 минг тупдан зиёд мевали кўчатлар ўтказилди, гулзорлар барпо этилди. 20 минг дона жўжа сотиб олиб парваришланди. Ҳозир бу жўжалар улғайиб, тухумга кирди. Улардан ҳар куни 10 минг донадан ортиқ тухум олишга эришяпмиз. Ҳар бош парранданинг тannархи базамизга 4 сўм 50 тийинданга тўғри келяпти.

Бу билан кифояланиб қолмадик. Ўтган йил март-апрель ойларида Қозоғистон жумҳурияти хўжаликлари ва аҳолидан 400 бош новвос сотиб олдик. Новвосларни тўйимли ва ширали озуқалар билан парваришладик. Ҳозирги кунда уларнинг ўртача тирик вазни 700 килограммданга тўғри келмоқда. Ҳайвонларнинг қаровини яхшилашда кичик корхонамиз раҳбари Араббой Умаров билан зоотехник Ҳакимжон Усмонларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Ёрдамчи тармоқни «Шаҳрихон» кичик корхонаси деб номладик. Корхона хўжалик ҳисобида, мустақил фаолият кўрсатмоқда. Уни ривожлантириш, кенгайтириш учун барча имкониятлар режали ишга солинмоқда.

Кичик корхонада ойига 500 минг дона пишиқ, 1 миллион дона хом ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга цехлар ишламоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳолига 4 миллион донадан ортиқ ғишт сотилди.

Тармоқни янада кенгайтириш учун имкониятлар ишга солинмоқда. Россиядаги қурилиш материаллари корхоналари билан алоқа боғладик. Улардан фанерлар тайёрлайдиган дастгоҳлар сотиб олиб ўрнатяпмиз. Кавказ ва Болтиқбўйи жумҳуриятлари корхоналаридан 2 миллион сўмликдан ортиқ саноат моллари, дастгоҳлар сотиб олдик. Чунки кичик корхона қошида қандолатчилик ҳамда музқаймоқ тайёрлайдиган цехлар ҳам бунёд этамиз. Атлас, бекасам тўқийдиган цехларни ҳам ишга туширамиз.

Корхона ҳузуридаги 30 сотих майдонда иссиқхона бунёд этилган. Иссиқхонада помидор етиштирилмоқда. Келгуси ойдан бошлаб иссиқхонада етиштирилган маҳсулотни аҳолига сотамиз.

Ўтган йили кичик корхонамиздан 2 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Олинган даромадлардан ўз ўрнида фойдаланяпмиз. 4 километр йўлга асфальт ётқизилди. 100 минг сўмига корхона таъмирланди. Шаҳрихон шаҳрида қурилаётган мачитга 50 минг сўм ёрдам кўрсатдик. Боқувчисини йўқотган ва қаровсиз оилаларга 50 минг сўм ёрдам берилди.

Кичик корхонамизни янада ривожлантириш мақсадида Тошкент биржасидан брокерлик ўрни сотиб олганмиз. Корхонамиз Ўзбекистон ташқи ва хорижий алоқалар давлат қўмитасининг гувоҳномасига ҳам эга бўлди.

Эндиликда улгуржи савдо базамиз фаолиятини яхшилашда кичик корхонамизнинг ёрдами янада катта бўлади. Биз савдо дўконларида вилоятимиздаги кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишни кенг йўлга қўймоқчимиз.

Эзгу ниятларимиз кўп. Аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг кенг истеъмол молларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилаверамиз.

Т. ҚОБУЛОВ,
Андижон вилоят Шаҳрихон районлараро улгуржи савдо базаси директори, Ўзбекистон халқ депутати.

• Тошкент минтақасидан бир назар

100 МАМЛАКАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Буюк Темур Испания элчиси Дон Рюи Гоносалес де Клавихони Дилкушо саройида қабул қилганида ўз вазирларига хитобан ифтихор билан бундай деган экан:

— Қаранглар, мана бу, ўғлим — Испания қироличинг менга юборган элчиси билан танишинг. У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюгидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан ҳам улуғ халқлардир. Ўғлим, мен ҳам Испания подшоҳига эҳтиромимни кўрсатмоқ истайман.

Ўша даврда Самарқанд саройларига Шарқ ва Ғарб сафирларининг пойқадами теккан эди. Етти иқлимдан Темур ҳузурига хорижий юртларнинг элчилари келиб турарди... Мана, орадан неча асрлар ўтганидан кейин яна ёруг кунларни кўриш насиб этиб турибди. Она юртимизга катта-ю-кичик мамлакатларнинг намояндалари келмоқдалар. Куни кеча олинган маълумотга қараганда, Ўзбекистон Республикасини 100 мамлакат мустақил давлат сифатида тан олган. Шундай қилиб она юртимиз жаҳонга яна пешвоз чиқмоқда.

Юз мамлакатга юзма-юз туриш осонми?! Хаёлга ҳали кечагина ва кейинги уч-тўрт йил ичида юз берган воқеалар келади. 1987 йилда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Собитхон Қурбонов журналистлар учун брифинг ўтказган эди. Ўшанда у киши бизнинг кичик жамоамиз Москвадаги катта министрлик паноҳида қўлидан келган ишларни қилмоқда, деган эди. Энди юртимиз жаҳон майдонига чиқаётганида ушбу вазирликнинг қўлидан келмайдиган иш бўлмаслиги керак деб ўйлайман. Чунки давр шуни талаб қилмоқда.

Яна бир хотира: машҳур шарҳчи Александр Бовин Исроилга элчи этиб тайинланганида мухбир билан суҳбатлашиб: «Ҳа, энди мен элчихонамиз ходимлари орасида бир украину бир қозоқ бўлса қаршилик қилмасман», деб уқтирди. Буни қарангки, қаршилик қилмас эмиш. Ҳозир ҳар бир мустақил давлат Россия билан тенгматенг туриб, ўз элчихоналари, ўз ваколатхоналарини очмоқда. Нурсултон Назарбоев яқинда Ҳиндистонга сафар қилганида Деҳлидаги Россия Федерацияси элчихонаси бундан бехабар қолибди. Чунки музокараларни Қозоғистон бевосита Ҳиндистоннинг Москвадаги элчихонаси билан олиб борган экан. Мустақил давлат худди шундай йўл тутиши ўринли, албатта. Бундан ўпкаланмаса ҳам бўлади.

Ҳа, биз юз давлатга рўбарў бўлиб турибмиз. Вақтисоати келиб бу давлатларда ўз элчихоналаримиз бўлади, ўз мутахассисларимиз ишлайди. Демак, кадрларни, дипломатларни ўқитишимиз, тарбиялашимиз ва уларга хайрли ишлар учун оқ фотиҳа беришимиз лозим бўлади.

Қадимий буюк ипак йўли яна гавжум. Тошкент ва Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хивада, Бухоро ва Фарғонада, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида Ғарбу Шарқдан келган давлат арбоблари, сиёсатчилар, ишбилармонлар, элчилар, хуллас, юртимизга яхши ният билан келган барча кишиларни эҳтиром билан кутиб олмоқдамиз. Улар билан жаҳондаги барча тиллар ва лаҳжаларда сўзлашмоқдамиз. Кўнгил-кўнгилдан сув ичмоқда. Юрт-юртга мададкор бўлмоқда. Биз инсон ҳуқуқларини куррайи заминдаги жами халқлар ва элатларнинг ҳуқуқлари, удумлари ва урф-одатларини ҳам ҳурмат қилиб, олам саҳнасига чиқмоқдамиз.

Қадамларимиз қутлуғ бўлаверсин!

А. АБДУҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

ЁШЛАРНИНГ ПОЙҚАДАМИ

•

АРЗОН ВА ТЎЙИМЛИ

Муҳаммадпарда Халилов Термиз гўшт комбинатида ишчи эди. Ўқиди. Махсус ўқув юртини битирди. Кўп ўтмай ўқиганини кўрсатди. Комбинат раҳбариятининг ёрдами билан сомсахона цехини жиҳозлаб, ишга тушириб юборди.

У иккинчи даражали маҳсулот — молнинг ичак-қорин, ўпкасидан тайёрланади. Соатига 800 дона пирожки чиқарилмоқда.

Цех ишлай бошлагандан буён Термиз шаҳридаги мактабларнинг ошхоналарида тўкинлик сезилиб қолди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«УМИД»ЛИ ДУНЁ

● Бундан бир неча йил муқаддам вилоят ижроия қўмитаси ташаббуси билан ҳибсхоналардан озодликка чиққанларни ҳимоя қилиш ижтимоий маркази ташкил этилган эди. Эндиликда бу марказ «Умид» деб аталмоқда.

Кейинги даврда марказнинг муассислари унинг тақдири билан қизиқмай қўйишди. Ваҳолонки, республика мустақиллиги муносабати билан қамоқдан муддатидан илгари озодликка чиқаётганлар сони тобора кўпаймоқда. Марказ ходимлари уларни иш билан таъминлаш, дастлабки пайтда моддий ёрдам кўрсатиш ташвишларини зиммага олишган. Бундан ҳам савоблироқ иш борми?

Бироқ кейинги пайтда бунинг учун маблағ етишмаяпти. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўпчилик мутахассислар ҳам марказдан юз ўгиришаяпти.

Бухоролик тадбиркор ва ишбилармонлар, кўпдан кўп хайрия жамиятлари вакиллари, қаердасиз? «Умид» сиздан ёрдам кутмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Фермер нима дейди?

ҚУВОНЧ ВА ОРЗУЛАР

Хўжалигимизда фермерлар асосан гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришади. Хўжаликда тўртта фермер бор. Уларнинг ҳар бири белгиланган режа ва топшириқларни ошириб бажаришга эришмоқда.

Мен бошчилик қилаётган «Авангард» фермер хўжалиги бундан уч йил олдин, яъни 1989 йилнинг 15 февралида ташкил этилган эди. Янги кезларда атиги учта сигиримиз бор эди. Биз уларнинг туёғини кўпайтириш мақсадида район давлат банкасидан ўттиз минг сўм қарз олиб, унга ўттиздан зиёд сигир харид қилдик. Йил охирига бориб уларни 35 бошга етказдик. 1990 йилда яна ўттиз минг сўм қарз кўтариб, яна ўттизта сигир сотиб олдик. Уч йил муддат билан давлат банкасидан олган олтмиш минг сўм қарзимизни 1992 йилнинг охиригача бориб тўлаб бўламиз.

Ҳозир сигирлар сони юздан ошиб кетди. Оила аъзоларим ҳар бир сигир, бузоқни асрабавайлаб парвариш қилмоқда. Ёзин-қишин улар атрофида парвонамиз. Зооветеринария хизматларига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз.

Жамоа хўжалиги бошқаруви ва мутахассислари бизга бу борада ёрдамларини аяшмайди. Хўжалик томонидан ажратилган хашак майдалайдиган агрегатлар, транспорт воситаларидан унумли фойдаланяпмиз. 1990 йилнинг якуни бўйича эса «ВАЗ-469» енгил машинаси билан тақдирландик. Бизга қирқ гектар майдон ажратиб берилган.

Аммо гапнинг сираси, деҳқончилик қиладиган ерларимиз кам. Яна камида 20 гектар ер қўшиб берилганда эди, сигирларимиз бундан ҳам тўқ бўларди, сути ҳам кўпаярди.

Фермер хўжалигимиз ташкил этилган йили 100 тонна сут, 1990 йилда эса 50 тонна гўшт, 20 тонна сут топширишга муваффақ бўлдик.

1991 йил ҳам ҳар қачонгидан яхши бўлди. Юз бошдан зиёд қармол, шу жумладан, саксон бош сигиримиз бор. Уларга 12 киши қарайди, шундан етти нафари соғувчи, Рафиқам Зулайҳо Ўразимбетова, келиним Нуржамол Тўрақулова, қизларим Ортиқгул, Гулмира Исмоиловалар ўзларига биркитилган ҳар бош соғин сигирдан қиш кунларида ҳам 12 — 15 литрдан сут соғиб олдилар.

Айни кунларда қорамол ва сигирларни қишдан соғлом олиб чиқиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Қиш ойларида қийналиб қолмаслик учун қўшимча емхашак сотиб олиш манбаларини топдик.

Фермер хўжаликларининг ташкил қилиниши гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга кенг йўл очиб берди. Негаки, хўжалигимизда кўп йиллардан бери чорвачилик маҳсулотларини етиштириш режалари бажарилмасдан келарди. Ўтган йили биринчи марта яхши натижаларга эришилди. Бу йилги натижалар ҳам чакки бўлмайди. Жамоа хўжалигимиз бултур 63 тонна ўрнига 80 тонна гўшт, 315 тонна ўрнига 490 тонна сут топширган экан, буларнинг ҳаммасида фермерларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Фермер хўжаликларида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан қолоқ, бултур пахта тайёрлаш режаси бажарилмади. «Авангард» фермер хўжалигимизда қорамол ва сигирлар сони 100 бошдан ошганига қарамасдан ҳанузгача типовой-қўрага эга эмас. Қўра бўлмаса, қорамол ва сигирларни қиш ойларида ҳам, ёзда ҳам яхши асраш мушкуллиги аён. Биз шунинг учун ҳам қарз бериш йўли билан Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан 150 бошга мўлжалланган қўра қуриб беришда амалий ёрдам беришни сўраймиз.

Т. ИСМОИЛОВ,
Хўжайли районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фермери.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Бир қатор шеърий китобларнинг муаллифи, бастакорлар билан ўнлаб жарангдор, мазмунли қўшиқлар ёзган Ҳайдар Муҳаммад айни вақтда таниқли драматург ҳамдир. Жумҳуриятимиз театрларида унинг пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакллар намойиш этилиб келинмоқда. Масалан, Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театрида қўйилган «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» комедияси яқинда юзинчи марта кўрсатилди.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти таниқли драматургнинг пьесалар тўпламини нашр этди. «Ипак гиламлар» деб номланган мазкур китобга ижодкорнинг тўртта асари киритилган.

Тўпламдан жой олган пьесалар турли мавзуларни қаламга олганлиги билан характерлидир. Масалан, «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Ипак гиламлар» пьесалари замонавий воқеаларни акс эттирса, «Бобур умрининг бир довони» драмаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳисор вилоятидаги шаҳар ва қишлоқларда кечган қисқа ҳаётий фаолиятини тасвирлайди. «Элёр ботир» пьесаси эса ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган.





Адабиёт ихлосмандлари назарига ҳавола қилинган иккинчи китобнинг («Наврўз» нашриёти») муаллифи — Тўрақул Йўлдош. У кўп йиллардан бери турли лавозимларда фаолият кўрсатиш билан бирга ижод билан ҳам шуғулланади, яъни матбуотда, жумҳуриятимиз ойнаи жаҳонида, радио эшиттиришларида фаол қатнашади. Унинг жумҳуриятимиз иқтисодиётини, қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш, заҳматкаш халқимизни ойдин кунлар сари етаклаш йўриқларига бағишланган, айни вақтда илғор замондошларимиз, халқ хўжалигининг турли жараёнларида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларни улуғлаган мақолалари, очерклари кўпчиликнинг эътиборини қозонган.

Тўрақул Йўлдош ана шу мақолалари, очерклари ва ўйларини жамлаб, «Ойдин кунлар олдинда» номи билан нашр эттирди. Шуниси эътиборлики, китобда муаллиф ўз қарашларини биргина Иштихон тумани мисолида ифодалашга ҳаракат қиларкан, серқуёш жумҳуриятимизнинг барча меҳнаткашлари дилида умид уйғотадиган мулоҳазаларни ўртага ташлашга интилган.

Тошкентдаги «Наврўз» нашриёти чоп этган бу тўплам ҳам ўқувчиларни қизиқтирса ажаб эмас.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Чиноз районидаги Т. Рустамов номли мактабда Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Амир Темур номли колхознинг фарзандлари бўлмиш ўқувчилар байрам арафасида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Бунда мактабнинг биология ўқитувчиси Қоплонбек Раимбеков бош-қош бўлаётир.

СУРАТЛАРДА: ўқитувчи Қ. Раимбеков ёш боғбонлар орасида. Пастда эса ўқувчилар ободонлаштириш ишларида қатнашаётир.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

КОЛХОЗ, СОВХОЗ, ФЕРМЕРЛАР ВА ЯККА ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтига қарашли Тажриба ишлаб чиқариш хўжалигидан баҳорги кўкламзорлаштириш ишлари учун:

Можжевельник вергинский, мирза терак, ёнғоқ, ясень, клен, тут, самшит, лигуструм ва барча турдаги атиргул кўчатларини

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Кўчатларнинг нархи келишилган баҳода бўлади.

Манзилгоҳимиз: 702017, Тошкент вилояти, Тошкент райони, Дархон қишлоғи, Чимкент кўчаси, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига қарашли Тажриба ишлаб чиқариш хўжалиги.

Керакли маълумотларни Тошкент шаҳрига қарашли 21-70-91 рақамли телефон бўйича олишингиз мумкин.

ИҚТИСОДИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БУЮРТМАЧИЛАР, ҚУРИЛИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-текшириш ва лойиҳалаш илмгоҳи қурилишда шартномавий нархни аниқлаш учун база даражасида белгиланган саноат-фуқаролик ва қишлоқ қурилиши учун

ДАВЛАТ СМЕТА МЕЪЁРЛАРИНИ

Ўзбекистон Республикасида 1992 йил 1 январдан кучга кирган нархлар асосида тайёрлашни тугатмоқда.

СМЕТА МЕЪЁРИ ВА НАРХИ Ўз—91 (СНиР № 91—УЗ) ни сотиб олиш учун аризаларни қуйидаги манзилгоҳга юборишингиз мумкин.

700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Раҳбар — ҲАКИМОВ М. Д.

Мулоқот учун телефон: 41-42-53.

• СПОРТ

СОВРИНЛИ ЎРИН

● УХТА шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Профессионал боксчилар халқаро федерацияси чемпионати тарзида уюштирилган бу мусобақада республикамиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Чунончи, ангренлик Илҳом Парпиев 59 килограмм вазнлик боксчилар сафида куч синашди. У ҳал қилувчи учрашувда чебоксарлик А. Григорьевга имкониятни бой бериб, иккинчи ўринни эгаллади.

ЯНА БИР ҒАЛАБА

● ИСПАНИЯНИНГ Линарес шаҳрида шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилмоқда.

Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров собиқ чемпион Анатолий Карпов билан дона суришди. Учрашувнинг 41-юришида чемпионнинг қўли баланд келди. Бу унинг А. Карпов билан ўзаро учрашувдаги 25-ютуғидир. А. Карпов ҳисобида 20 та ғалаба бор.

МАРРАДА БИРИНЧИ

● ПАРИЖДА енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Олимпиада йили мавсумини кўтаринки руҳда бошлаган Марина Шмонина яна бир бор мутахассислар эътиборини қозонди. Тошкентлик бу югурувчи яқинда Будапештда ўтказилган халқаро мусобақада ғалаба қозонган эди. Бу сафар эса 400 метрли масофани 51,85 секундда босиб ўтиб, яна маррада биринчи бўлди.

■ Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

Сўнгра Каракозов биздан ҳам, уйдан ҳам нари кетди, бир оздан сўнг қайтиб келди. Бизни уйга киришга таклиф қилди. Мен олдинига унамадим, кейин хонага кириб, пуллар дипломатга жойланганини кўрдим. Пуллар саналмади. Ихтиёрий топшириш баённомаси тузилиб терговнинг шу ҳаракати қатнашчилари томонидан имзоланди. Урганчга келгач, Исмоилов воқеа ҳақида бўлинма бошлиғи Анисимовга ахборот берди. Эртасига Анисимов пулни олиш пайтидаги ҳодиса тўғрисидаги хабар унинг томонидан терговчи Гдлянга маълум қилинганини бизга айтди».

Хизмат сафаридан Тошкентга қайтгач, Головин ва Исмоилов ЎзССР ДХК раиси В. Головин номига рапорт ёзишиб, Анисимовга узатишди.

Ўзбекистон ДХК бошқармасининг бошлиғи Ю. Анисимов Головин ва Исмоилов берган кўргазмаларини тўла тасдиқлади. Улар Тошовуз вилоятидан Урганчга келибоқ воқеа ҳақида дарҳол ахборот беришган. Бундан ташқари ДХК раҳбарлигига ҳам рапорт ёзишган. Иккови ҳам Каракозовни фош этиш бўйича қатъий чоралар кўришни таклиф қилдилар. Бироқ вақт бой берилган эди. Бир неча соатдан кейин Анисимов воқеани Гдлянга бирон тадбир кўрар деган умидда хабар қилган эди. Бироқ Гдлян Ивановга хабарни қандай қилиб етказиш имконияти ҳақидагина сўради, холос.

Ю. Анисимов яна шуни ҳам айтиб берди: «Мен ахборотни етказганимдан сўнг Гдлян келтирилган фактни рад этишга уринмади ва шундай деди: «Вах, шундайлар билан ишлашга тўғри келяпти!».

Тошовуз воқеасини тугатар эканман, битта қўшимча қилмоқчиман. Биз гувоҳлар ва терговчиларни сўроқ қилдик. Улар воқеа ҳолатини шундай баён қилишди, лекин ўғирликни кўрмаганликларини айтишди. Лекин буни ўзларидан бекитиб қилингани учун ҳам пайқамаган бўлишлари мумкин, дейишди.

Биз жойнинг ўзига бориб кўргазмаларни текширдик ва тергов экспериментини ўтказдик. Бу тадбиримиз Йўлдош Саидовнинг уйи деразасидан ичкаридаги ҳамма ҳаракатларни кўриш имконияти борлигини кўрсатди. Ҳатто деразадан узоқ бўлмаган хона ичида ётган китобларнинг номларини ўқиш мумкин эди. Аммо ўғирликни исботлаш ёки исботсиз дейиш тўғрисидаги масала очиқ қолди. Бош прокурор Каракозовга доир ишни бекор қилишга қилди-ю, Тошовуз воқеаси бўйича бир сўз ҳам демади. Бундай қилолмаслиги равшан, чунки у иш материалларини тўла билмасди.

Энди яна Гдлянга қайтамиз. Албатта, у Ю. Анисимов маълумоти тўғрисида ЎССР Иттифоқи Прокуратураси раҳбариятига ахборот бермади. У хабарнинг ишончли ёки ишончсизлигидан қатъий назар шундай қилиши керак эди. Гдлян «қарши» ахборот йиғишни яхши кўрарди. Шундай хабарлар ёрдамида у гуруҳдаги айрим терговчиларни қўлга олган эди. Унга ва Ивановга терговчилар орасидан ким, қаерда спиртли ичимлик ичгани, аёллар билан учрашгани, бирон нима харид қилгани ва бошқа хатти-ҳаракатлари ҳақида маълумот етказиб туришар эди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томонининг аҳамияти ҳам кам эмас. Гдлян «уйдаги сирни кўчага чиқариш»ларидан қўрқарди, чунки исталган пайтда унинг ўзи ҳам ҳавас қилмайдиган ҳолатга тушиб қолиши мумкин эди. 1981 йил охирига келиб А. Рўзметовнинг автомашинаси торт-торт қилингани, видеокассетани ҳисобдан чиқариш акти ясамалиги, унинг тергов ҳаракати билан у ёки бу даражада боғлиқ шахсларнинг ўз жонига қасд қилишлари Гдлян аҳволини кўпдан оғирлаштириб юборган эди.

ОВЧАРОВАНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўша пайтда Иттифоқ Прокуратураси ҳайъатида ўтирганларнинг кўпчилиги адолатга ишонарди. Судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш устидан назорат бошқармасининг катта прокурори Р. Овчарова ҳам ҳақиқатга ишонар эди. У Гдлян судга ҳавола қилган ишлардан бири бўйича айбловчи бўлган эди. У биринчи бўлиб Гдлян ва у бошлиқ гуруҳи билан тўқнашди ва уларнинг асл қиёфасини кўрди. Гап Бухоро ИИБ ходимлари ва шаҳар саноат савдоси директори Қудратовнинг жиноий иши тўғрисида кетяпти.

Раиса Михайловна —тажрибали прокуратура ходими, йигирма йилдан ортиқ суд-ларда давлат айбловини қувватлаб келади. Далиллар баҳосини яхши билади, суд жараёни ва жиноий ишлар бўйича моҳир мутахассис. Катта ишлар бўйича давлат айбловчилари одатда суддан олдинроқ иш билан танишишни бошлайдилар.

Р. Овчарова ҳам шундай қилди. Иш билан танишишнинг дастлабки босқичидаёқ қонунчилик қўполлик билан бузилганини аниқлади. Гдлян ва гуруҳ аъзолари билан гаплашиб олишга уринишлари натижа бермади. Р. Овчарова лоқайдлик ва метин девор билан тўқнашди. У тергов тўғрисидаги танқидий фикрларни айта бошлагандан сўнг Гдлян Овчаровага қарши очиқдан-очиқ курашга ўтди. Инсонийлик ва касбий қадр-қимматни ҳақоратлаш, ерга уришлар бошланди.

Овчарова биринчи бўлиб гдлянчиликка, айбсиз одамларга азоб беришнинг гдлянча усуллари тикланишига қарши қатъий курашди. Унинг Прокуратура ҳайъати мажлисидаги нутқи кўпгина саволларга жавоб бўлди, ўша кунларда Ўзбекистондаги вазиятни тўғри акс эттирди.

Нутқда урғу берилган биринчи ҳолат — одамларнинг Гдлян олдида даҳшатга тушишларидир. Бу ҳолат нафақат фуқаролар, балки Ўзбекистон раҳбариятини ҳам чулғаб олган эди. 1985 йилдаёқ Гдлян республикадаги вазиятни ўз қўлига олган ва ҳукмини ўтказа бошлаган эди. У юқори даражадаги мансабдорларни қамаш билан ўз имкониятларини намойиш этиб, чиндан ҳам даҳшатли вазиятни ярата олди. Айни пайтда у ҳамиша СССР Бош прокурори ва КПСС МК номидан, уларнинг топшириғига кўра ҳаракат қилаётганини таъкидлар эди.

Гдлян Ўзбекистон КП МКни ҳам ўз томонига оғдириб ола билиш, кейин унинг раҳбарлари қўли билан Марказий Комитетни қўпора бошлади.

Овчарова суд ишлаган муҳит ҳақида гапириб берди. Иш республика Олий Судида унинг аъзоси Липатов[1] раислигида кўрилар эди.

«Гдлян ва Иванов ҳали ҳукм чиқмай туриб анча олдин ҳар бир судланувчига, айни вақтда айбланувчига суд унга қандай жазо белгилашини айтишарди, — ҳикоя қилади Раиса Овчарова. — Бу гаплар суд пайтида маълум бўлиб қолди. Шу мазмундаги аризалар тушганда, мен давлат айбловчиси сифатида улардан сўрар эдим: «Бу қанақаси бўлди? Нега сизлар жазони Гдлян белгилаб беради деб ўйлайсиз? Иш эса ҳали судда кўриб чиқилмаган». Айбланувчилар айтишича, Гдлян суд — расмиятчилик холос, ҳамма унинг чирмандасига ўйнайдиган деб уқтирган. Гдлян такрорлашни яхши кўрган яна бир гап бор: «Бизга ақлли суд ва прокурорлар керак эмас, бизга гаҳ деса қўлга қўнадиганлари керак ва биз шундайларга эга бўламиз».

Овчарова билан суд кўп тўсиқларга дуч келишди. Менга, дейди у, Гдлян учун уят эмас. Иттифоқ прокуратураси учун уят, бу ерда Гдлян ва унга ўхшаганлар ишлаётгани учун уят. Сўроқ қилинганлардан кўпчилиги йиғлаб туриб, терговчилар фашистларча усулларни қўллаганликларини, уришгани, ҳайвон деб ҳақорат қилишгани, инсоний қадр-қимматни топташганини айтиб берди.

Суд Гдлянга жиловини тутқазмади. Айбловнинг ҳар бир ҳолатига танқидий ёндашди, судланаётган айбланувчилар ҳамма гапларни ёзиб олди. Терговнинг ярамас даҳшатли қилиқлари фош бўла борди. Залда эса ҳар доим Гдлянларнинг яқин атрофига уюшганлардан кимдир ҳозир бўлиб, суд суриштируви ҳақида унга маълумот етказиб турарди.

Гдлян ўзини узоқ куттирмади.

Суд ва давлат айбловчисига улар шарт қўйдилар: ёки одамларни Гдлян ва Иванов айтганича сўроқ қилиш керак ёки суд ва айбловчи залдан чиқариб юборилади. Бироқ, улар бу гал адашишган эди. Г. Овчарова билан А. Липатов қонунчилик томонида қаттиқ турдилар, ақлга сиғмайдиган талабни рад этдилар. Шунда суд теварагида шовқин-сурон кўтарилди. Овчаровани пора олганликда айблашди. Судга қарши ЎзКП МК маъмурий идоралар бўлимини гиж-гижлашди, аммо Липатов тазйиққа дош берди.

Овчарова бош прокурор А. Рекунковга рапорт ёзиб мурожаат қилди. Масала ҳайъат муҳокамасига олиб чиқилди. Гдлян ва Ивановларга қаттиқ ҳайфсан берилди. Ўйга толаман, ҳар иккаласини прокуратурадан ҳайдаб юборишга нима етмасди, ўзи? Ахир бунгача ҳам қўпол қонунсизлик гдлянчи терговчилар фаолиятига у ёки бу даражада боғланган кишиларнинг ўз жонларига қасд қилганликлари тўғрисида анча факт бор эди-ку. Бироқ уларни ҳайдашмади. Сал қойиган бўлишди ва пешоналарини силаб қўйиб юборишди: «Ана шу тариқа ишлайверинглар, қаҳрамон бўласизлар».

Шу муносабатлар билан Овчарованинг ҳайъатда айтган яна бир гапини келтираман: «Бу ерда тўғри айтишди, прокурор назорати йўқ эди. Заиф уринишларим мутлақо бефарқлик деворига урилаверди. Сорока мендан беркиниб олди. «Гдлян иши юзасидан менга сира яқинлашма». Мен мурожаат қилган Каракозов эса, назаримда бу ишга дирижёрлик қилган шу одам, мен билан гаплашмай қўйди».

Овчарова билан Липатов иккови суд жараёнини муваффақиятли тугатишди. Айблов барча уйдирма ва ёлғонлардан тозаланди ва ҳукм чиқарилди. Бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Олий Суди 1986 йил 13 май куни СССР бош прокурори номига хусусий ажрим чиқарди. Гдлян ишлари бўйича чиқарилган биринчи ажрим шу эди, лекин охирги эмасди.

Афсуски, 1986 йилги суд ажрими СССР Прокуратурасида зарур эътибор топмади ва тез орада унутиб юборилди. Агар ўшанда бу масала зарур баҳосини олиб, қонунсизликларга йўл қўйилгани учун Гдлян ва Ивановга нисбатан қаттиқ талабчанлик бўлганида яна ўнлаб айбсиз одамлар тақдири топталмай қолар эди. 1990 йилга келибгина ва ундан кейин бундан уч-тўрт йил олдин қилинган адолат тиклана бошлади.

Ўша 1986 йилдаёқ нафақат терговдаги ўзбошимчалик, тазйиқ билан сохта кўргазмалар олиш фактларини, балки худди оммавий қатағон йилларидаги каби одамларнинг суд жараёнларига қандай тайёрлаганликларини ҳам аниқлаш мумкин эди.

Кўргазма берган, кўпинча пора узатганлик ҳақида сохта кўргазма берган шахслар билан терговчилар суддан олдин тергов ҳибсхоналарида, колонияларда ёки жараён давомида суд биносида учрашганлар. Судга қандай кўргазма бериш зарурлиги ҳақида уқтирганлар. Бу учрашувлар яна ҳибсга олиш, иш қўзғатиш, қариндошларидан ўч олиш каби қўрқитувлар билан ўтарди. Бошқача айтганда, одамлар шундай ёпиқ халқага тушиб қолишдики, ундан қутилиш умуман мумкин эмасди.

«Народная правда» (Санкт Петербург) газетасининг шу йил 3—4-сонларидан қисқартириб олинди.

А. АБДУБАННОПОВ таржимаси.

1. А. Липатов — ҳозир Тошкент вилояти суди раиси (тарж).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚА ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ, КООПЕРАТИВ, ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР, ИДОРАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА АЛОҲИДА ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент Давлат университети муассислигида тузилган «ПРОБУС» илм ва ўқув маркази инглиз, немис, француз, япон, хитой, корейс, вьетнам, турк, рус ва ўзбек тилларини, шунингдек қадимги лотин тилини ўргатувчи гуруҳларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Марказ қошида 3, 6 ва 10 ойлик курслар ташкил қилинган. Машғулотларни АҚШ, Хитой, Франция, Вьетнамдан келган мутахассислар ва хорижий мамлакатларда иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар олиб борадилар. Ўқиш учун ҳақ тўлашда ўқувчилар ва талабаларга имтиёзлар берилади.

УНУТМАНГ, ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ—ЗАМОН ТАЛАБИ!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилда олишингиз мумкин: Тошкент, 700095, Форобий кўчаси, 400-уй, ТошДУ хориж филологияси факультети биноси, 1-қават, 34-хона. Транспорт: 7, 16-трамвайлар; 8, 4-троллейбусларнинг «Юбилей» спорт зали, метронинг «Беруний» бекати.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПРЕССА» нашриётининг хабар беришича, китобларни чоп этиш баҳосининг қимматлашганлиги туфайли қуйидаги асарлар тўпламлари учун қўшимча обуна нархи белгиланди:

А. ДЮМА, индекси 71200, 12—15 томлар учун 71 сўм.

«Сатира ва юмор», индекси 71202, бир том учун — 20 сўм.

Обуначилардан шу йилнинг 5 мартига қадар алоқа бўлимлари ва матбуот тарқатиш бўлимларида юқорида кўрсатилган асарлар тўпламларининг қўшимча қиймати учун обунани расмийлаштириб қўйишларини илтимос қиламиз.

Обуна фақат абонемент кўрсатилган тақдирдагина қабул қилинади.

Обуначилар қўшимча обунани расмийлаштиришдан бош тортган ҳолларда уларнинг илгари А. Дюма асарларининг 12—15 томларига ва «Сатира ва юмор» китобининг I томига қилган обунаси бекор қилинади ва уларнинг пуллари қайтариб берилади.

Республика матбуот тарқатиш маркази.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси Бухоро вилояти Гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Холовга онаси

Раъно ХОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги аппарати жамоаси, тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши халқ хўжалигининг кекса ходимларидан бири, 1951-1953 йилларда республика Автомобиль транспорти вазирлигига раҳбарлик қилган

Ҳидоят Султонович ЮСУПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари, қариндошуруғларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Намаганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 41.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.